**Ушбу сонда:**

2 — *Қонун барчага баробар* ҚАРЗ СУД ОРҚАЛИ УНДИРИЛДИ

3 — АЁЛ ОМОН БЎЛСА...

4 — *Эътироф* ОЛАМ АРО ОДАМ АЗИЗ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

**2005 йил 17 июн, жума № 95 (1936)**

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

***Бугунги кунда халқимиз мустақилликнинг моҳияти ва аҳамиятини аввало ўзлигимизни англаш, биз кимларнинг, қандай буюк зотларнинг авлоди эканимизни чуқур идрок этиш, миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги руҳида яшаш, истиқлол ғояларини юртдошларимиз, хусусан, ёш авлод қалби ва онгига янада теран сингдириш, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш, демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этишнинг энг асосий ва муҳим шарти, миллий тараққиётимиз кафолати сифатида қабул қилаётгани алоҳида эътиборга сазовор.***

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

## МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

***Энг улуғ, энг азиз умуммиллий байрамимиз - Мустақиллик кунини кенг нишонлаш истиқлол йилларида муҳим ижтимоий-сиёсий воқеага, кутлуғ анъанага айланиб қолди. Айниқса, кейинги йилларда бу байрамни мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида, барча шаҳар, туман ва қишлоқларда уюшқоқлик билан, юксак савияда ўтказишга катта эътибор берилаётганини қайд этиш зарур.***

***Бугунги кунда халқимиз мустақилликнинг моҳияти ва аҳамиятини аввало ўзлигимизни англаш, биз кимларнинг, қандай буюк зотларнинг авлоди эканимизни чуқур идрок этиш, миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги руҳида яшаш, истиқлол ғояларини юртдошларимиз, хусусан, ёш авлод қалби ва онгига янада теран сингдириш, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш, демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этишнинг энг асосий ва муҳим шарти, миллий тараққиётимиз кафолати сифатида қабул қилаётгани алоҳида эътиборга сазовор.***

***Мустақиллик байрамининг катта тарихий-сиёсий аҳамиятини назарда тутиб ҳамда бу улуғ сананинг 14 йиллигини муносиб нишонлаш мақсадида:***

1. Мустақиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика комиссиясининг таркиби 1-иловага, Тошкент шаҳрида ўтказиладиган асосий байрам томошаси дастурини тайёрлаш бўйича ижодий гуруҳ таркиби 2-иловага, байрамнинг бадиий дастури учун ғоявий тавсиялар 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Республика ва ҳудудий комиссиялар Мустақиллик байрамини пойтахт Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида, юртимиздаги барча шаҳар, туман ва қишлоқларда юқори савияда уюшқоқлик билан ўтказишга қаратилган ташкилий-амалий тадбирлар ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, тегишли вазирлик ва идоралар ўн кун муддатда:

- Мустақиллик байрамини ўтказиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиб, республика комиссиясига тақдим этсин;

- жойларда ўтказиладиган байрам дастурларини ишлаб чиқиш ва тайёрлаш учун янги ижодий кучларни, ёш истеъдод эгаларини кенг жалб қилсин;

- байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ҳудудий комиссияларнинг таркибини хавфсизлик ва жамоат тартибини сақлаш нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқсин.

4. Мустақиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика комиссияси, оммавий тадбирлар, бадиий дастур ва томошаларнинг маъно-мазмунига оид таклиф ва мулоҳазаларни умумлаштирган ҳолда, Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда ўтказиладиган байрам тадбирларининг умумий ғоявий-бадиий концепциясини ишлаб чиқсин (3-иловада баён этилган ғоялар, тушунча ва қарашлар асосида).

5. Мустақиллик байрамини ўтказиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 23 июлдаги 357-сон қарорининг 3-бандида белгиланган тартибда амалга оширилиши маълумот учун қабул қилинсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Бош вазир Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2005 йил 15 июн

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ СУРХОНДАРЁГА САФАРИ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шу йил 16 июн куни ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши билан танишиш мақсадида Сурхондарё вилоятига ташриф буюрди.***

Давлатимиз раҳбари дастлаб вилоятнинг Сариосиё туманида бўлди. Сариосиё кейинги йилларда нафақат Сурхондарё вилоятида, балки республикамизда ҳам пахтачилик ва ғаллачилик соҳасида салмоқли ютуқларни қўлга киритиб келаётган туманлардан. Туман ғаллакорларининг 9833 тонна сифатли дон йиғиштириб, 16 июн куни йиллик шартнома режасини адо этгани ҳам буни тасдиқлайди.

Президент Ислом Каримов туман ғаллакорларини, барча деҳқонларни эришилган меҳнат ғалабаси билан самимий табриклади.

Давлатимиз раҳбари ушбу тумандаги Г.Хидиров номли ширкат хўжалигида бўлиб, қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишди. Охунбобоев номидаги ширкат хўжалиги ижарачиси Сунатилла Мирзаев билан суҳбатлашди. Бу омилкор деҳқон жорий йилда 90 тонна ғалла етиштириб, гектаридан 70 центнердан ҳосил олишга эришди.

Давлатимиз раҳбари, шунингдек, Ислом Жумаев етакчилик қилаётган оилавий пудрат аъзолари билан суҳбатлашди. Мулоқот давомида қишлоқда деҳқончилик маданиятини янада юксалтириш, ер унумдорлиги ва деҳқонларнинг даромадини ошириш, қишлоқ хўжалиги ходимлари меҳнатини рағбатлантириш, фермерлик ҳаракатига кенг йўл очиш, янги иш ўринларини яратиш, ишни тўғри ва самарали ташкил этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ислом Каримов тумандаги болалар спорт мажмуини бориб кўрди. Ушбу замонавий спорт маскани мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш давлат дастури асосида бунёд этилган юзлаб иншоотлардан биридир.

Президентимиз спорт мажмуида ёшлар учун яратилган шароитлар билан яқиндан танишар экан, «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва ҳеч кимдан кам бўлмаймиз» деган шиоримизнинг маъно-мазмуни шундай масканлар мисолида яққол намоён бўлишини таъкидлади.

Ислом Каримов вилоятда жойлашган ҳарбий қисмда ҳам бўлиб, жанговар тайёргарлик ва ўқув машғулотлари қандай ташкил этилгани, ҳарбий хизматчилар учун яратилган шарт-шароит билан қизиқди. Мутасадди раҳбарларга бу масалалар бўйича амалий топшириқ ва тавсиялар берди.

Юртбошимиз бир гуруҳ аскар ва офицерлар билан суҳбат чоғида дунёдаги мавжуд халқаро вазият, Марказий Осиё минтақасига, хусусан, Ўзбекистонга нисбатан айрим давлатларнинг геополитик қизиқиши ортиб бораётгани, юртимизга таҳдид солаётган халқаро терроризм, диний экстремизм, наркобизнес каби хавф-хатарлар ва уларга қарши курашиш чоралари ҳақида алоҳида тўхталди.

Ислом Каримов шу йил 13 май куни Андижон шаҳрида содир этилган террорчилик ҳаракатлари Ўзбекистон ҳудудида тасодифан рўй берган ҳодиса эмаслигини таъкидлаб, бу қонли фожиаларни амалга ошириш учун олдиндан пухта тайёргарлик кўрилганига, бу ҳаракатларнинг ташаббускор ва ташкилотчилари мамлакатимиздан ташқарида жойлашганига эътиборни қаратди. Шу боис бугун Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси, айниқса Ватан озодлиги, юрт тинчлиги, халқимизнинг осойишта ҳаётини ҳимоя қилишни зиммасига олган ҳарбийларимиз ҳар қачонгидан хушёр ва огоҳ бўлиб, ўзининг муқаддас бурчини аъло даражада адо этиши, масъулиятини янада ошириши лозим, деди давлатимиз раҳбари.

Президент раҳбарлигида қисм командирлари, тегишли идора ва ташкилотлар раҳбарлари иштирокида бўлиб ўтган йиғилишда Ватанимизнинг жанубий сарҳадлари дахлсизлиги билан боғлиқ масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари Ҳайратон божхона постида бўлиб, чегарачилар билан суҳбатлашди. Ватан остонадан бошланади, шу боис давлатимиз мустақиллиги, юртимиз тинчлиги, деганда, биз аввало сарҳадларимиз дахлсизлигини кўз қорачиғидек асрашни тушунамиз, деди Президентимиз.

Юртбошимиз Ислом Каримов шу куни Қарши шаҳрига жўнаб кетди.

**(ЎзА)**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

## Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида

***Тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш, халқаро амалиётга мувофиқ ҳисобот тизими ва уни тақдим этиш тартибини такомиллаштириш, шунингдек қўшимча ҳисоботни ноқонуний талаб этиш ҳолларига йўл қўймаслик мақсадида:***

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат мулк қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси ва Савдо-саноат палатасининг 2005 йил 1 июлдан бошлаб микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан солиқлар, йиғимлар, ажратмалар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар бўйича барча ҳисоб-китобларни давлат солиқ хизмати органларига ҳар ойда тақдим этишни ҳар чоракда тақдим этишга ўтказиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Бунда солиқлар, йиғимлар, ажратмалар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашнинг амалдаги муддатлари сақлаб қолинсин.

2. Белгилансинки, ҳар чоракдаги ҳисоб-китоблар микрофирма ва кичик корхоналар томонидан давлат солиқ хизмати органларига ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечикмай:

ойма-ой тақсимланган ҳолда - ҳар ойда тўланадиган барча солиқлар, йиғимлар, ажратмалар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича (Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган товарларга акциз солиғи бундан мустасно);

ҳар ўн кунликка тақсимланган ҳолда - Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган товарларга акциз солиғи бўйича ҳар чоракда бир марта тақдим этилади.

Микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан тўланиши лозим бўлган солиқлар, йиғимлар, ажратмалар ва бошқа мажбурий тўловларнинг миқдори камайтирилган тақдирда уларга нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарлик чоралари қўлланилади.

3. Белгилаб қўйилсинки, хорижий валюта тушумини мажбурий сотишдан озод қилинган тадбиркорлик субъектлари, мажбурий сотилиши лозим бўлган валюта тушуми миқдори ҳисоб-китобини ҳисобга олиш мақсадида, давлат солиқ хизмати органларига белгиланган шаклда ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай тақдим этадилар.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва Давлат солиқ қўмитаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2006 йилги Давлат статистика ишлари дастурини тайёрлаш доирасида икки ой муддатда:

тадбиркорлик субъектлари учун давлат статистик ҳисоботини янада соддалаштиришга қаратилган ҳисобот шаклини;

йиллик статистик ва молиявий ҳисоботни ўзаро мувофиқлаштиришни назарда тутган ҳолда уни тақдим этиш муддатларини қайта кўриб чиқсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси бир ой муддатда давлат солиқ хизмати органлари тадбиркорлик субъектларидан оладиган, шу жумладан почта ва электрон алоқа воситасида оладиган молиявий ҳисобот, солиқлар ва даромадлар тўғрисидаги декларациялар бўйича ҳисоб-китоблар, ёзма аризалар ва билдиришномаларни қабул қилиб олиш ва рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги низомни белгиланган тартибда тасдиқласин, бунда қабул қилиб олиш тартиб-таомилини соддалаштириш, унификациялаштирилган иш жадвали ва тадбиркорлик субъектлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш назарда тутилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси тадбиркорлик субъектлари томонидан молиявий ва статистик ҳисоботларни тақдим этишнинг белгиланган тартиби ҳамда муддатларига қатъий риоя этилишини таъминласин, бунда микрофирма ва кичик корхоналар:

бухгалтерия балансидан иборат молиявий ҳисобот - 1-шаклни, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот - 2-шаклни ҳамда дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисидаги маълумотнома -2-а-шаклни - ҳар йили;

статистик ҳисоботни - ҳисобот турларига қараб ҳар чоракда ёки ҳар йили тақдим этадилар.

7. Тадбиркорлик субъектларидан:

давлат солиқ хизмати органлари ва давлат статистика органлари белгиланган молиявий ва статистик ҳисоботларга қўшимча равишда ҳар қандай маълумотлар, маълумотнома ва ҳужжатларни талаб қилишга (қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда текширувларни ўтказиш вақтида қилинган талаблар бундан мустасно);

*(Давоми 2-бетда)*

«Намангантекстил» ҳиссадорлик жамияти аъзолари Ўзбекистон мустақиллигининг 14 йиллигини меҳнатда муносиб совғалар билан қаршилаш учун астойдил меҳнат қилишмоқда. Ишнинг пировард натижаси жамоадаги соғлом муҳит, ишловчиларнинг омилкорлиги ва ташаббускорлигига кўп жиҳатдан боғлиқ. Буни яхши тушунган корхона маъмурияти, касаба уюшма қўмитаси ижтимоий ҳимоя масаласига алоҳида эътибор бериб келмоқда. Ишчи-хизматчилар, мутахассислар имтиёзлардан унумли фойдаланишмоқда.

Иккинчи йигирув фабрикаси илғорлари ҳақида гап кетганда Гуллола Каримова номи биринчилар қатори тилга олинади. У дугоналари билан басма-басига ишлаб, сифатли маҳсулот тайёрлашда намуна бўлмоқда. Ишлаб чиқариш жараёнини пухта ўзлаштирган меҳнат зарбдори бой тажрибасини ёшларга ўргатмоқда.



Х.МАМАДАЛИЕВ олган сурат

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИДА

***Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида олиб борилаётган текширув ишлари ҳамда Андижон шаҳри ва Андижон вилоятида вазиятни барқарорлаштириш юзасидан Ўзбекистон ҳукумати кўраётган чора-тадбирлар мониторингини амалга ошириш бўйича мамлакатимизда аккредитация қилинган хорижий дипломатик корпус вакилларидан иборат ишчи гуруҳининг учрашуви бўлиб ўтди. Учрашув ишчи гуруҳининг иш режасига мувофиқ ўтказилди.***

Унда мамлакатимиз Бош прокурорининг биринчи ўринбосари Анвар Набиев ишчи гуруҳи аъзоларини 13 майда Андижонда содир этилган террорчилик ҳаракатлари юзасидан олиб борилаётган тергов ишлари билан таништирди. Ишчи гуруҳи аъзоларига юз берган фожиали воқеалар хронологияси тегишли тергов материаллари асосида тақдим этилди.

Терговнинг ушбу босқичдаги материаллари таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, Андижон воқеалари халқаро радикал кучларнинг олдиндан пухта режалаштирилган ва конституциявий тузумни куч билан ағдариб ташлаш, келажакда Халифалик ташкил қилиш мақсадида амалга оширилган ҳаракатидир.

*(Давоми 3-бетда)*

*Муносабат*

## ЁЛҒОН БИЛАН САВДО ҚИЛУВЧИЛАР

***Ғаллазорлар, болга тўлган боғлару экинзорларни оралар эканман, она Ўзбекистоним чинданам жаннатмакон юрт, унга илойим кўз тегмасин, дея ният қиламан. Афсуски, фидокор, мард, танти халқнинг бойликлари ўзига буюрсин, дейиш ўрнига бизга ёмон кўз билан қаровчи, ҳаётимизни ўз измига солмоқчи бўлганлар йўқ эмас экан.***

Дунёнинг турли бурчакларида шундай кўнгилсиз воқеалар содир бўлаяптики, уларни телевидение орқали кўриб, матбуотдан ўқиб, ёқа ушлайсан киши. Хўш, нега баъзи хорижлик савдогар журналистлар (энди шундай дейишга тўла ҳақлимиз) ўша жойларга талпинишмайди, ўта ташвишли ҳолатларни ёритишга ошиқишмайди. Нега улар Ўзбекистон атрофида «парвона» бўлиб қолишди. Биринчи жавоб юқоридаги гап. Иккинчиси эса улар ўзларига топшириқ берган жанобларнинг буюртмасини бажариши керак-да...

Президентимиз оммавий ахборот воситалари ходимлари билан янглишмасам икки бора қилган суҳбатида чет эллик ОАВ ходимлари кимга хизмат қилишларини, бизнинг юртимизга нисбатан тирноқ остидан кир қидиришга уринишаётганини ишончли далиллар билан баён этиб берди. Ўзбекистон минтақада етакчи мамлакат. Салоҳияти ҳам шунга яраша. Бинобарин, қандай қилиб бўлмасин жаннатмакон ўлкадаги ёғлиқ луқмани қўлга киритиш орзуси кимларгадир тинчлик бермаяпти.

Эндиликда юртимизга қилинаётган янги тажовуз – ахборот тажовузини ҳам кўраяпмиз. Баъзи хорижлик журналистлар олдиндан тайёрланган сценарийлар асосида иш юритиб, иложи борича кўпроқ ваҳима қилишга зўр беришмоқда. Бошимизга қора булут соя солса, хурсанд бўладиганлар бор экан, янада ҳушёрликни ошириб, ҳамкор-у ҳамжиҳат ҳаракат қилишимиз керак. Мен оддий бир фуқаро, тадбиркор сифатида Андижон воқеаларида қатнашган, ўз ичимиздан чиққан кўрнамакларни қаттиқ қоралайман. Керагидан ортиқ андишани бир четга суриб қўйиб, ёмонларга, ёвузларга қарши муросасиз курашайлик, дейман. Ҳур Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли бор. Унинг келажаги порлоқ.

Ярамас террорчиларга биринчи жавобимиз бу фидойи меҳнатимиздир. Шу кунларда ҳар қачонгидан унумли, баракали ишлашга ҳаракат қилаяпмиз. Одамларимизнинг қўли гул. Пахтачи туманида биринчилар қаторида фермерлар сафига қўшилиб, икки гектар ерда деҳқончилик қилган эдик. Эндиликда қарийб 70 гектарда нознеъмат етиштираяпмиз. 40 кишини иш билан таъминладик. Ўтган йили гектаридан 35 центнердан пахта, 50 центнердан ғалла ҳосили олинди. Йилига 7 тонна сут ҳам етиштираяпмиз. Деҳқончилик ва чорвачиликдан мўмай даромад олинмоқда. Ҳа, мустақил Ўзбекистон чинакам миришкорлар, фидойилар юрти. Бизга энг зарури тинчлик-хотиржамлик. Тинчлик учун эса ҳар биримиз қатъий туриб курашмоғимиз даркорлигини энди қалбдан ҳис этаяпмиз. Ният қиламиз, шу муборак замин гуллаб-яшнасин, келажак авлодларга биздан озод ва обод Ватан қолсин!

**Ғ.ТУРСУНОВ,**
**фермер**

*Касаба уюшма спорти*

***«Ўзбекэнерго» Давлат акциядорлик компаниясининг «Учқун» спорт-соғломлаштириш мажмуида Ўзбекистон ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшма Марказий кенгаши соврини учун теннис бўйича анъанавий республика тармоқ турнирининг якуний босқичи бўлиб ўтди.***

# ЯНГИ МАРРАЛАР САРИ

— Республикамизда спортни ривожлантириш, оммавий спортга халқимизни кенг жалб қилишга алоҳида аҳамият берилаётган бир пайтда касаба уюшма спортини ривожлантириш орқали ушбу эзгу ишга ҳисса қўшиш мақсадида бу каби мусобақаларни ташкиллаштириш тармоқда анъанага айланган, - деди Ўзбекистон ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшма Марказий кенгаши раиси Алишер Ғуломов. — Чунки бундай спорт тадбирлари меҳнаткашларни жисмоний ва руҳий тетиклаштирибгина қолмай жамоалар ўртасида касбий фикр ва тажриба алмашувни, ўзаро ҳамкорлик ва дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашни ҳам таъминлаб, соғлом турмуш тарзини тарғиб этади. Мазкур теннис турнирида ҳам ким қайси ўринни эгаллашидан қатъий назар дўстлик, ҳамжиҳатлик ғалаба қилди. Муҳими, кортларда



куч синашган меҳнаткашларнинг ҳар бир ўйини, улар кўрсатган ажойиб комбинациялар тармоқда жисмоний тарбия ва спорт ишларига алоҳида эътибор берилаётгани, бунинг учун меҳнат жамоаларида етарли даражада шарт-шароитлар яратиб берилаётганининг ёрқин намунасидир.

Теннис турнирида 45 ёшгача бўлган эркаклар ўртасида Тошкент-1 жамоаси вакили Александр Раҳмонов ғолибликни қўлга киритди. Қашқадарё вилояти вакили Муҳитдин Шодиев шоҳсупанинг иккинчи поғонасидан, Тошкент-2 жамоаси вакили Фарруҳ Маматов учинчи поғонасидан жой олди.

Ушбу тоифадаги аёллар мусобақаларида Андижон вилоятилик Зарема Гайфулина пешқадам бўлиб, пойтахтлик Юлия Муковникова иккинчи, Наталья Модина учинчи бўлдилар.

46 ва ундан юқори ёшдаги эркаклар мусобақасида ғолиблик яна пойтахт вакили — Бахтиёр Алиматовга насиб этди. Хоразмлик Улуғбек Воисов иккинчи, қашқадарёлик Шоди Намозов учинчи ўринни қўлга киритдилар.

Ушбу ёшдаги аёллар ўртасида Сирдарё вилояти вакили Надежда Абкелямова ғолиб бўлди. Тошкент вилояти жамоаси вакили Людмила Кириченко



иккинчи, бухоролик Ирина Яшина учинчи ўринни баҳам кўрдилар.

Эркаклар жуфтлик баҳсларида хоразмлик О.Худояров ва У.Воисов жуфтлигига омад кулиб боқди.

Аёллар жуфтлигида эса Тошкент вилояти вакиллари Людмила Кириченко ҳамда Ирина Свириналар жуда жозибадор комбинацияларга бой ўйин кўрсатиб, мухлисларга ҳаяжонларга бой дақиқаларни ҳадя этдилар ва ғолибликка эришдилар.

Умумжамоа ҳисобида биринчиликни Тошкент-2 жамоаси, иккинчи ўринни Тошкент-1 жамоаси қўлга киритди. Тошкент вилояти жамоасига шоҳсупанинг учинчи поғонаси насиб этди.

Турнир ғолиблари ва умумжамоа ҳисобидаги совриндорларга тегишли даражадаги диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди. Шунингдек, турнирнинг ҳар бир иштирокчиси эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

**М.ЎРМОНБЕКОВА,**
**ЎзКУФК матбуот котиби**

*Эътироф*

***Бундан ўттиз йил муқаддам ёшлар газетасида Мусоқул Усмоновнинг «Аёл кўрки» сарлавҳали мақоласи босилган эди. Мақоланинг бир жойида Дилором исмли аёлнинг оила, фарзанд тарбиясига эътиборсизлиги-ю, тўйдан бери келмаслиги тилга олинганди. Икки-уч кун ўтмай Дилором исмли тўрт аёл бирин-кетин таҳририятга келиб, тўйларда ўйнаш айб эмаслиги – қонун ман этмаслигини айтиб, ёзувчининг адабини бериб қўйиш кераклигини талаб қилди. Бу ҳолатни узоқ вақт кула-кула эслаб юрдик... Шундан бери Мусоқул ака одоб-ахлоқ мавзуида мақолалар ёзиб келади.***

# ОЛАМ АРО ОДАМ АЗИЗ

Оламни безовчи наққош ҳам инсон, унга маъно ва мазмун бахш этгувчи ҳам у. Инсон – олам аро ягона ақлли мавжудот бўлиб, яхши хулқли одамларни улуғлаш кечмишда ўтган алломалардан бизга меросдир. Мусоқул Усмонов қаламига мансуб «Одобнома»ни ўқиб, олий мавжудотгагина хос серқирра фазилатлар мадҳиясига дуч келасиз.

Аёнки, одам ўзига инъом ва туҳфа этилган ақлзаковат, тафаккур қудрати билан оламдаги барча улуғ ишларнинг ижодкоридир. Зотан, борлиқ эркаси – одамнинг буюклиги, улуғлиги унинг қадри билан белгиланади. Демак, инсон қадрини англамоқ ва уни покиза сақламоқ истиқболга элтувчи ойдин йўл сифатида ҳам эътироф этилмоғи лозим.

«Одобнома»нинг бир туркум мақолалари – қайнона-келин ва куёвларнинг ўзаро муносабатлари муаммоларига бағишланган. Турмушда ҳавас қиладиган қайноналар, мадҳ қилишга лойиқ келинлар, фарзандлик бурчини адо этаётган куёвлар ва улар ўртасида аҳилликни мустаҳкамлайдиган муносабатлар таҳлил этилгани таҳсинга лойиқ. Ижтимоий ҳаётда фарзанд тарбияси ҳамиша даврнинг муҳим масаласи бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Муаллиф фарзанд тарбиясига бағишланган мақолаларида ота-она бурчи, масъулияти ҳақида гапиради. Зеро, оиланинг мустаҳкамлиги биринчи галда эр-хотиннинг илиқ муносабатларига боғлиқ. Шунинг учун оилани мустаҳкамлаш эр-хотин орасидаги илиқликни таъминлайдиган ҳар бир калом савобдан бошқа нарса эмас.

«Одобнома»нинг навбатдаги қисми «Яхши фазилат, инсонга зийнат» деб номланади. Инсоннинг инсонлигини англатадиган мезонлар борки, унинг номини мухтасар қилиб, фазилат дейдилар. Яхши фазилат одамзот пайдо бўлгандан буён асрлардан-асрларга томон сайқалланиб, жилоланиб, янги-янги маъно ва мазмун кашф этиб келмоқда. Муаллиф таъкидлаганидек, инсонийлик хислатлари одамларга доимо яхши томонлари билан хизмат қилиб келган ва хизмат қилаверади. Китобда ана шу инсонийлик фазилатларидан меҳнатсеварлик ва камтарлик талқинига кенг ўрин берилган. Дарҳақиқат, инсоннинг камтарлиги ва меҳнатсеварлиги доимо эгизак бўлиб, улар орқали инсоннинг улуғворлиги намоён бўлади.

Инсониятга берилган ноёб хислатлардан бири муҳаббатдир, десак муболаға бўлмас. Бу инсоний туйғу ўзининг латофати, сурури, завқи, шижоати билан қадрли. Инсонни маънавий гўзаллаштиришда муҳаббатнинг ўрни бетакрор. «Муҳаббатдин муҳаббат бўлур пайдо, муҳаббатсиз кишидин қоч Ҳувайдо», дейди шоир. Шу боис муҳаббат эъзози ғоят муҳим.

Инсоний фазилатлардан яна бири босиқлик, кечиримлилик. Шошма-шошарликдан, меъёрига етмаган ишдан фақат азият чекилган. Зеро, ёшларимиз қанчалик ақли расо бўлса, жамият ҳам шунчалик мустаҳкам бўлади. Ўзинг соясида ўтирган дарахт меваси ҳам тотлидир. Чунки унга меҳнатинг сингган. Кишиларнинг бир-бирига ҳурмати, ҳиммати ва муруввати яхшиликнинг тамал тошларидир.

«Одобнома»нинг «Қусурлар касри» деб номланмиш қисми юқоридаги фикрларни ривожлантиради. Қарангки, одамлар ўртасида учраб турадиган қусурлар ғоят ҳам яшовчан бўлиб, улар ўзларига нисбатан тинимсиз курашда бўлишлигимизни тақозо этади. Қусурларнинг тури ҳам, шакл-шамойили ҳам кўп. Мақтанчоқ, такаббур, манман одамларни яхшиликни кемираётган зулукка ўхшатгимиз келади. Хушомадгўйлик, тилёғламалик, ёлғончилик, ялтоғланиш каби қусурлар ҳам инсон қадрини ерга уради. Шунингдек, айёрлик, иккиюзламачилик ва мунофиқлик каби қусурлар борки, улардан фақат инсон дили озор чекади. Бу қусурлар кишилар ўртасига совуқлик туширади. Уларни дилтанг қилиб қанчадан-қанча оворагарчиликларга дучор этади.

Китоб қуруқ панд-насиҳатдан иборат бўлиб қолмай, ҳар бир айтилган сўз мисоллар воситасида «мих»лангани билан ҳам ўқимишлидир. Қаламга олинган воқеалар кундалик турмушимизда учраб туради, улардаги одамлар билан ҳамнафасмиз – бири қўшнимиз, бири дўстимиз, бири қариндошимиз, бири фарзандимиз...

«Одобнома»да инсон тафаккури товланиб, жилоланиб турибди. Унда фалсафий мушоҳадага бой фикрлар лўнда баён қилинган. Зотан, инсон шахсидаги, хулқидаги юздан ортиқ яхши ва хунук фазилатларни бир шодага тизиб чиқишнинг ўзи бўлмайди. Мусоқул Усмонов бу ишни уддалаган. Кексалик ахмоқ учун оғир юк, жоҳил учун – қиш, илм аҳли учун айни ҳосил давридир, деган дурдона ҳосиласи сифатида дунё юзини кўрган «Одобнома» ҳеч кимни бефарқ қолдирмаслиги аниқ.

**Х.ХАМИДОВ,**
**тарих фанлари доктори, профессор**

## ИТАЛИЯ - АСОСИЙ ДАЪВОГАР

УЕФА бош директори Ларс-Кристер Ульссон Апеннин ярим оролида қилган радиомурожаатида Италия 2012 йилги Европа чемпионатини ўтказишда жиддий номзод ҳисобланади, деди. Ҳукуматнинг яқин кунларда амалга оширган тадбирлари, стадионлардаги тартибсизликларга қарши жиддий кураш бошлаганлиги Италияга чемпионатни қабул қилиш учун имкониятини оширади. Ульссон шунингдек Италияни амалдаги спорт иншоотларини модернизациялаштиришга чақирди. УЕФА бош директори барча стадионлар видеокузатув тизилмалари билан жиҳозланган бўлиши кераклигини, майдон билан трибуналар ўртасида панжаралар ўрнатилиши лозимлигини таъкидлади.

## РЕКОРД ЎРНАТИЛДИ

Греция пойтахти Афинадаги Олимпия стадионида халқаро енгил атлетика Федерацияси Гран-при мусобақаларини ўтказмоқда. Шу мусобақада 22 ёшли ямайкалик енгил атлетикачи 100 метрлик масофани 9,77 дақиқада босиб ўтди ва янги жаҳон рекордини ўрнатди. Олдинги Жаҳон рекорди 9,78 дақиқа бўлиб, 1999 йилда Афинада Морис Грин томонидан ўрнатилган эди.

- Мен Жаҳон рекордини янгилаганимдан жуда хурсандман, - деди Асафа Пауэлл. - Энди Хельсинкида август ойида ўтказиладиган енгил атлетика бўйича жаҳон чемпионатига тайёргарлик кўраман.

## 2012 ЙИЛГИ ОЛИМПИАДА ҚАЕРДА ЎТАДИ?

Олимпиадани ўтказиш учун даъвогарлик қилаётган Москва, Мадрид, Париж, Лондон ва Нью-Йорк шаҳарларининг имкониятлари тенг, деди халқаро олимпиада қўмитасининг Президенти Жак Рогге. 2012 йилги олимпиада ўйинларини ўтказиш учун даъвогарлик қилаётган барча шаҳарларнинг имкониятлари тенг ва улар орасида пешқадамлар, аутсайдерлар йўқ, деб маълумот берди. Халқаро олимпия қўмитасининг баҳолаш комиссияси маълумотларига қараб шаҳарларнинг тайёргарлигида катта фарқ йўқ. Даъвогар шаҳарлар ўртасида овоз беришга ўтилганда бирортаси кўп овоз билан ғолиб чиқолмайди. Ҳозир мен қайси шаҳар ютиб чиқади деган саволга жавоб бера олмайман. Лекин, албатта барча шаҳарлар юқори савияда тайёргарлик кўришларига ишонаман.

Халқаро олимпия қўмитасининг Сингапурда 6 июлда бўлиб ўтадиган сессиясида ғолиб шаҳар аниқланади.

## АНЪАНАВИЙ ТУРНИРДА ИККИНЧИ ЎРИН

Леон шаҳрида тезкор шоҳмот бўйича ўтказилган анъанавий турнирда Ҳиндистонлик шоҳмотчи Вишванатан Ананд, Алексей Широв (Испания), ёш иқтидорли норвегиялик шоҳмотчи Магнус Карлсен ҳамда ҳамюртимиз ФИДЕ чемпиони Рустам Қосимжонов иштирок этди. Турнир финалида Вишванатан Ананд - Рустам Қосимжонов билан баҳс юритди. Ҳиндистонлик шоҳмотчи 2,5 - 1,5 ҳисобида ғалаба қозониб турнир ғолиби бўлди.

## КЕВИН МАКБРАЙДНИНГ НИЯТИ

Ирландиялик оғир вазнли боксчи Кевин Макбрайд 11 июнда оғир вазндаги собиқ жаҳон чемпиони Майк Тайсонни мағлуб этгандан сўнг энди у WBC йўналиши бўйича жаҳон чемпиони Виталий Кличкога ёки WBA йўналиши бўйича жаҳон чемпиони Жон Руизга қарши жангга чиқмоқчи.

- Мен ҳеч кимдан қўрқмайман, мен отамнинг ўлими олдидан унга берган ваъдамнинг устидан чиқдим ва Майк Тайсонни мағлуб этдим. Мен жаҳондаги энг тезкор боксчи эмасдирман. Мен Муҳаммад Али эмасман, мен Кевин Макбрайдман. Яқинда Ирландияга бориб ўз ғалабамни кенг доирада нишонламоқчиман, - деди ирландиялик боксчи.

## ТЬЕРРИ АНРИ УЧУН 65 МИЛЛИОН

"Реал" (Мадрид) клуби Президенти Флорентино Перес Лондоннинг Арсенал жамоасининг француз ҳужумчиси Тьерри Анри учун 65 миллион таклиф этмоқчи. Француз футболчиси эса "Арсенал"ни тарк этиш нияти йўқлигини бир неча бор таъкидлаган бўлсада, ўзининг яқин дўстлари Роберто Карлос ва Зинедин Зидан билан бир жамоада ўйнаш истагини яширмаяпти.

Роберто Карлос ва Зинедин Зидан "Реал" (Мадрид) клуби аъзоларидир. "Реал" клуби раҳбарияти вакиллари Тьерри Анрини ўз жамоаларига ўтказиш жуда қийин кечади, лекин у қачонлардир "Арсенал"дан кетса, фақат "Реал"да ўйнайди, демоқдалар. "Реал"дан аввалроқ "Барселона" клуби ҳам уни ўз таркибига қўшишга ҳаракат қилган эдилар. Лекин томонлар бир қарорга келолмадилар.

**Т. ЮСУПОВ**
**тайёрлади**

# «НИҲОЛ» ҚЎЙНИДА

## «Меҳрибонлик уйи»нинг 100 нафар тарбияланувчиси дам олдирилади

***Муборак газни қайта ишлаш заводи тасарруфидаги «Ниҳол» оромгоҳи Яккабоғ туманидаги энг хушманзара сўлим гўшалардан бири. Оромгоҳ раҳбари Абдураззоқ Исоқовнинг таъкидлашича, бу ерда оталиқ ташкилоти томонидан катта ҳажмдаги таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Жумладан, 180 ўринли кино-концерт зали, чўмилиш ҳавзаси қайтадан таъмирланиб, ўзгача чирой очди. Шунингдек, оромгоҳ ҳудудидаги йўлакчаларга махсус плиталар ётқизилди.***



Болалар зерикиб қолмасликлари учун талай ишлар амалга оширилди. Айни кунларда 7 та тўгарак мунтазам фаолият кўрсатяпти.

Республикамиздаги йирик корхоналардан бири бўлган Муборак газни қйта ишлаш заводида 2300 киши самарали меҳнат қилади. Ишдан сўнг ходимлар саломатлигини тиклаш учун шарт-шароитлар яратишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Хусусан, вилоятнинг энг хушманзара гўшаларидан бири бўлган оромгоҳ ёнида қўшимча бинолар қуриб, келгусида ишчиларни соғломлаштириш режалаштирилган.

Корхона касаба уюшма қўмитаси етакчиси Акром Ҳамроев бу ерда бўлиб, ёзги соғломлаштириш мавсумини ўтиши билан боғлиқ бўлган масалалар билан мунтазам равишда яқиндан танишиб бормоқда. Юзага келган камчиликлар зудлик билан бартараф этилиб, болажонларни мароқли дам олишлари ташкил этилаяпти. Санаторий-профилакторий типидаги соғломлаштириш масканида келгусида ҳар йили 400 нафар ишчининг соғлиғи тикланиб, оромгоҳ доимий ҳаракатдаги масканга айлантирилади.

Сиҳат-саломатлик йилида корхона маъмурияти Қамашидаги Меҳрибонлик уйининг 100 нафар болаларини ўз ҳисобидан мазкур оромгоҳда дам олишларини таъминлашни ўз зиммасига олган. Тўртинчи босқич тўлалигича қалби ўксик болалар ихтиёрига берилади.

Дарвоқе, Турнабулоқ дарёси ёқасида жойлашган оромгоҳ болаларнинг ҳақиқий дам олиш масканига айланган.

**Шавкат СУЛТОН,**
**«Ишонч» мухбири**

# ҲАМШИРАЛАР

## кўрик-танлови

Бухоро вилояти халқ таълими бошқармаси тизимидаги мактабгача таълим муассасаларида "Учинчи минг йиллик боласи" дастури асосида ёш авлодни тарбиялаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Ғиждувон туманидаги 76 та болалар боғчаларида "Соғлом авлод" Давлат дастури асосида 5138 нафар кичкинтой тарбияланмоқда. 29 нафар олий, 47 нафар ўрта махсус маълумотли, 503 нафар мутахассис кичкинтойларни парваришлаш билан машғул. Малакали психологлар, логопед ҳамда ҳамширалар фаолияти ота-оналарни хушнуд этмоқда. Тумандаги 1-мактабгача таълим муассасасида санаторий, 6-боғчада эса сил касалликларига чалинган болакайлар саломатлигини тиклаш ва мустаҳкамлаш борасида чуқурлаштирилган чиниқтирувчи ва соғломлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

– Сиҳат-саломатлик йилида болажонлар саломатлигига катта аҳамият бераяпмиз, - дейди туман халқ таълими бўлими услубчиси М. Норпўлатова. - Улар мунтазам равишда ҳамшира ва патронаж ҳамширалар томонидан кўрикдан ўтказилмоқди. Улар учун



яратилган шарт-шароит, дори-дармон ва озиқ-овқат таъминоти туман халқ таълими бўлими ҳамда савдо корхоналари, ҳомийлар диққат-эътиборида. Шу боисдан болалар "Гуллар", "Соғломжон - Полвонжон" каби кўрик-танловларда ҳам мунтазам юқори ўринларни эгаллаб келишмоқда.

Шофиркон туманида эса Сиҳат-саломатлик йилида яхши анъанага асос солинди. Мактабгача таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган ҳамширалар ўртасида "Йил ҳамшираси" кўрик-танлови ўтказилди. Бунинг ўзига хос хусусияти шундаки, боғчада ҳамширанинг малакаси қанчалик юқори бўлса, тарбия олаётган гўдаклар соғлом бўлиб вояга етадилар. Танловда 5-сонли "Қуёшжон" мактабгача таълим муассасаси ҳамшираси Гулбаҳор Ярашева биринчи ўринни, 6-,1-сонли боғча ҳамширалари Мадина Қаҳҳорова, Гулчеҳра Норовалар иккинчи ва учинчи ўринларга муносиб топилдилар. Ғолиблар халқ таълими бошқармаси ва ҳомийлар томонидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирланишди.

**Ҳ. ҚОДИРОВ,**
**"Ишонч" мухбири**

***Таниқли бастакор Фарҳод Алимов томонидан яратилган мусиқа асарлари жанр жиҳатидан ранг-баранг бўлиб, тингловчиларда яхши таассурот қолдирмоқда. Сермаҳсул ижод соҳиби педагог устоз сифатида ҳам шогирдлар меҳрини қозониб келмоқда.***

## БАСТАКОРНИНГ ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМАСИ

Ўзбекистон Давлат консерваторияси «Бастакорлик ва чолғулаштириш» кафедрасининг профессори янглиғ мусиқа таълимига доир қатор ўқув қўлланмалар яратди. Шу ўринда «Ёш дирежёрлар учун ўқув қўлланмаси»ни алоҳида кўрсатиб ўтиш жоиздир.

Республикамизда қўшиқчилик санъатига доир тўпламлари ҳам чоп этилди. «Оҳангга тўлсин диёр», «Қўшиқ – бизнинг дўстимиз» деб номланган китоблари ҳам нашрдан чиқди.

**А.АЛИЕВ**

*Тақдимот*

***Шарқ мумтоз шеъриятининг етакчи жанри бўлган рубоийда ҳикмат ва фалсафа, тафаккур ва туйғу ажиб бир тарзда уйғунлашиб кетади. Фақат салмоқли мазмунни чуқур фалсафийлик қатига ўраш орқали уни ихчам шаклда жо этиш мумкин. Академик шоир Ғафур Ғулом алоҳида таъкидлаганидек, рубоий «... олам-олам мазмунларнинг жавоҳирини йиғиб, тўрт сатрга сиғдира олиш маҳоратидир. Қатрада – уммон, учқунда – қуёш мазмунини бериш рубоийга хос хусусиятдир».***

# МУҲАББАТ ТАРОНАЛАРИ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти «Муҳаббат тароналари» рубоийлар тўпламини беш минг нусхада чоп этди. Китобда ўн етти нафар форсийзабон шоир ва тожик халқ оғзаки ижоди намуналаридан иборат 2 мингдан ортиқ рубоий киритилган. Рубоийларни форс-тожик тилидан етук адабиётшунос олим, шоир ва таржимон Эргаш Очилов ўзбекчага ўгирган.

Китобнинг муқаддимасида рубоийнинг ўзига хослиги, бошқа лирик жанрлардан ажралиб турадиган хусусиятлари, шунингдек, рубоийнинг келиб чиқиш тарихи, бу борада ижод этган мумтоз сўз санъаткорларининг маҳорати, сўфиёна рубоийларнинг фалсафий мазмуни ва тасаввуфий талқини ҳақида Э.Очиловнинг «Рубоийнинг сеҳри» мақоласи ўрин олган. Рубоийларни арузда таржима қилишдан таржимоннинг кўзлаган мақсади, нафақат буюк сўз санъаткорларининг ғоя ва фикрларини ўқувчига етказиш, балки ул зотларнинг шоирлик маҳорати, рубоийлардаги ўзига хос оҳанг, сеҳр, айни пайтда мўъжизакор мусиқийликни тўлалигича ўзбекчага ўгиришдир. Қолаверса, тасаввуфий адабиёт табиатан ҳақиқий ва мажозий талқинга эга.

Таржимон маҳорати билан форсий шоирларнинг фикр-қарашлари нафис шеърий оҳангларда ўзбекчада жаранглади. Таржимон мумтоз адабиёт намуналарини халқ тушунадиган тилда соддалаштириш йўлидан эмас, балки кенг ўқувчилар оммасининг дидини юксалтириш, фикрини чархлаш орқали ўз мақсадига эришган, деб бемалол айтишимиз мумкин.

«Муҳаббат тароналари» тўплами орқали ўқувчи Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний, Шайх Фаридиддин Аттор, Абулвафо Хоразмий, Фоний (Навоий) рубоийлари таржимаси билан илк бора танишиш билан бирга Абу Абдулло Рудакий, Абусаид Абулхайр, Бобо Тоҳир, Нажмиддин Кубро, Паҳлавон Маҳмуд, Мажидиддин Бағдодий, Жалолиддин Румий, Ҳофиз Шерозий, Имодиддин Насимий, Убайдий, Мирзо Ғолиб рубоийларининг арузий вазнда ўгирилган намуналаридан баҳраманд бўлади.

**Ш.РАУПОВА**

Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшма Марказий Кенгаши ва тармоқ касаба уюшмасининг Тошкент вилояти касаба уюшма ташкилотлари раислари Кенгаши "Чирчиқ Трансформатор" ОАЖ касаба уюшма қўмитаси раиси Раъно Маякубовага акаси

**Эркин**
**МАЯКУБОВ**нинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс КАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Кудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78;
Хатлар бўлими 56-85-43;

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 24.00

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 14198 Буюртма Г— 516 12345